

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2017 йил
26 август
ШАНБА

№ 70 (13018)

www.thtp.uz

НУРАФШОН — ЁРУҒ КЕЛАЖАК ШАҲРИ

2017 йилнинг 24-25 август кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати хабарига кўра, Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига маълумотлар олиб берилаётган ислохотларнинг самарадорлигини тубдан оширишга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури ижросига қаратилган Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари муҳокама қилинди.

Ялпи мажлисда сенаторлар Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳри ва Ўрта Чирчиқ туманининг чегараларини ўзгартириш ҳамда Тўйтепа шаҳрини вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш, Тўйтепа шаҳрини Тошкент вилоятининг маъмурий маркази этиб белгилаш тўғрисидаги, Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри ва Янгийўл туманининг чегараларини ўзгартириш, Янгийўл шаҳрини вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги, Тошкент вилоятининг Оҳанга-

рон шаҳри ва Оҳангарон туманининг чегараларини ўзгартириш, Оҳангарон шаҳрини вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ушбу таклифларнинг маъқулланиши Тошкент вилоятининг маъмурий-худудий тузилишини такомиллаштиришга, ҳудудларни самарали бошқаришга, аҳоли учун шарт-шароитларни янада яхшилашга кўмаклашди, туризм соҳасининг ривожланишига туртки беради.

Сенаторлар Тўйтепа шаҳри номини ўзгартириши маъқуллади. Унга кўра, Тўйтепа шаҳри номи Нурафшон шаҳри, деб ўзгартирилди. Шаҳар ва унга тutasи ҳудудларни реконструкция қилиш бўйича бош режа тасдиқланди. Вилоятнинг маъмурий маркази барча қулайликларга, замонавий инфраструктура ва мукамал меъморий ечимга эга ривожланган шаҳарга айланди.

Нурафшондаги бунёдкорлик ва янгиланишлар жараёнида энг илғор технологиялар тизими, замон талабларига мос ва ўзига хос дизайн шакллари, қурилишнинг янги усуллари кенг қўлланилади.

Ташрифдан сўнг

Бекобод шаҳридаги "Пахтаобод" маҳалласи раиси Қўзимурод Тўрабоев ҳар кунгидан барвақт туриб, ишга отланди. Бугун маҳалла идорасида Президент ташрифидан сўнг ўртага ташланган муаммолар, аниқроғи, "Металлург-мадад" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатида қарашли 8 та кўп қаватли уй ҳудудидаги мавжуд аҳвол муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказмоқчи.

— Худудимизда 3 минг 435 киши яшайди, — дейди раис. — Яширишининг ҳолати йўқ, аҳолини йиллар давомида қийнаб келаётган ноқулайликлар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Иссиқлик тизими ишламаслигидан одамлар қийналиб келади. Президент-

ШАРОИТ БОР ЖОЙДА ФИДОЙИЛИК ҲАМ БЎЛАДИ

миз мазкур муаммонинг маълум ечимини кўрсатиб берди. Энди ҳар бир уй ўзимизда ишлаб чиқарилаётган иситиш қозонлари билан жиҳозланадиган бўлди. Бунинг учун банклар имтиёзли кредитлар ва лизинг беришини эшитиб, тўғриси қувондик. Бағримизга шамол тегадиган бўлди.

Навоий вилоятидаги "Ariston thermo — UTG" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган иситиш қозонлари лизинг асосида уйларга ўрнатилади.



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Дарҳақиқат, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бекобод шаҳрига ташриф буюрганидан сўнг шаҳарда ҳаёт янада жонланиб кетди. Одамлар кўзида яшашга бўлган иштиёқ ортган. Қути-лаётган янгилликлар, ўзгаришларни эшитиб, барчанинг қалби масрур. Ҳар бир ташкилотда ўзгача, мухит. Анча йиллардан бери ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича катта ишлар бошлаб юборилган.

Раис билан гаплашиб турганимизда кўчанинг нариги тарафидан Эркин Рисқибоев

салом-алик қилиб, келиб қолди. У киши қўлигул бунёдкор. 112 нафар қурувчига бош-қош бўлиб, янги шаҳарчани барпо этишмоқда. Шаҳарчанинг номи ҳам ажойиб — "Мустақилликнинг 27 йиллиги".

— Ассалому алайкум! Ҳорманглар, энди. Журналист синглим, биз томонларга заб келибсиз-да. Маҳаллада ишингиз битган бўлса, мен сизни янги шаҳарчамизга таклиф қиламан. Бунёдкорлик ишларини ўз кўзингиз билан кўрасиз.

Ҳақиқатан ҳам, бу ерда иш

қизғин. Қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Кимдир гишт терган, кимдир пайванд қилган. 42 хонадонга мўлжалланган етти қаватли иккита уйни тез орада фойдаланишга топширишга астойдил бел боғлашган. Маълумотларга кўра, ҳудуднинг 2035 йилгача мўлжалланган бош режасига биноан, кўп қаватли уйлар қурилиб, янги маззелар бунёд этилади. Аниқроғи, йилга ўртача 1 минг 200 хонадон фойдаланишга топширилади.

Давоми 2-бетда. »»

ҲАЁТНИНГ ЁРҚИН ТАРАФИДАГИ АЁЛЛАР

Юртимиз бўйлаб кезиб юрган байрам шукуҳи, одамлардаги кўтаринчилик, инсон манфаатлари йўлидаги эзгу сазъ-ҳаракатлар самарасидан дарак бермоқда. Тинчлик-омонлик, фаровонликда кечаётган ҳар кунимизга шуқроналик, шу неъматлар бардавонлиги учун бурчдорлик ҳисси билан яшаётган юртдошларимиз Ватан равнақи, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўиш, энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 26 йиллик шодиёнасида фаол қатнашиш иштиёқиди. Хусусан, вилоятимиз хотин-қизлари иштирокида ўтаётган маънавий-маърифий тадбирлар, турли учрашув, танлов, спорт мусобақаларида бунга яққол ҳис этиш мумкин.

Фестиваль

"Аёл — жамият таянчи", дейилганда ҳар томонлама соғлом, маънан юксак, қалби эзгуликка, вужуди гайрат-шижоатга тўла хотин-қизлар назарда тутилиши

аниқ. Жамиятимизнинг муҳим бўғини — оилалар мустаҳкамчилиги, бахту саодатига масъул уй бекаларининг саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида

соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ижтимоий фаоллигини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳам жисмоний тарбияга, спортга кенг жалб қилишдир.

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, касба уюмлари, "Маҳалла", "Соғлом авлод учун" фондлари, соғлиқни сақлаш, ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида "Соғлом она — соғлом бола" шiori остида ўтказилган "Аёллар спорт фестивали" шу мақсадга йўналтирилди.

Фестиваль иштирокчилари Зангиота туманидаги 14-умумтаълим мактаби жамоаси байрамона кайфиятда кутиб олди. Вилоятимизнинг шаҳару туманлари, узоқ-яқин қишлоқларидан келган уй бекалари спортнинг волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат, дартс, гимнастрада ва сузиш турлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Улар орасида, ҳатто, 80 ёшли она-хонларнинг ҳам борлиги жамиятимиз аъзоларининг ҳаётга муҳаббат, дилларида уфурётган яшаш завқидан далолат этилди.

Давоми 3-бетда. »»



Давоми 3-бетда. »»

ФАРЗАНДЛАР ТАРБИЯСИ — ИСТИҚБОЛ САРМОЯСИ

Мамакатимиз ёшларини ҳар томонлама баркамол, ҳаётда ўзининг мустақкам фуқаролик позицияси эга, Ватани тақдирига дахлдор инсонлар қилиб тарбиялаш бугунги куннинг энг устувор масаласига айланган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тузилгани ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтарди.

Давлат сиёсати — амалда

Ҳозир ушбу ташкилот вакиллари бутун мамлакат бўйлаб ёшлар ҳаётига тобора чуқурроқ кириб бориш, навқирон авлоднинг ишончли ҳамроҳи ва

ҳамкорига айланиш йўлида кенг қўламли ишларни амалга оширишмоқда.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши томонидан "Олма-

лик кон-металлургия комбинати" ходимлари иштирокида ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимиз софлигини асраш, диний бағрикенглик тарғиботига бағишланган ўқув-семинари ташкил этилди.

Жамиятимизнинг муҳим бўғини — ёшларнинг маънавий, маданӣ, ғоявий ва мафқуравий тарбияси оиладан бошланиб, таълим муассасалари, маҳалла, кенг жамоатчилик масъуллигидаги энг долзарб

вазифалардан эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Бугунги кунда юртимизда ёшларнинг замонавий талаблар асосида билим олиши, касб-хунар ўрганиши, ўз бизнесини очиши, бир сўз билан айтганда, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун кенг шароитлар яратилган. Қалбида мамлакат тараққиётига ҳисса қўиш, халқни олдидаги бурчини адо этишдек туйғулар жўш урган ҳамюртимиз борки, улар бу жараёнда ҳар бир ўғил-қиз-

нинг тақдир ва келажига дахлдорлигини ҳис қилиши, бу масалага жиддий масъулият билан қараши даркор. "Олмалик кон-металлургия комбинати"да бўлиб ўтган семинарда ҳам баркамол авлод тарбияси, ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, янги тузилган ёшлар иттифоқининг мақсад-вазифалари атрофича муҳокама қилинди.

Зохир ТОШХҲЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма олти йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият,

санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

ЮКСАК МУКОФОТ МУБОРАК!

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлгимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш

ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ хамюртларимиз давлатимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон ташкилотлари меҳнат фахрийси, ёзувчи Асад Асқоров "Дўстлик" ордени, Ангрэн кимё

саноати касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси Муҳайёхон Мавлонова ҳамда Оҳангарон туманидаги "Мурувват" ногирон эркаклар интернат уйи тиббиёт ҳамшираси Гулзира Эшонқулова "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Вилоятдошларимизни юксак мукофот билан қутлаймиз!

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ЭЗГУ ИШЛАР

Қибрай туманида Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишлаб "Фидойинг бўл-гаймиз сени, Ўзбекистон!" мавзuida байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбир




Вилоят касба уюмлари ташкилотлари бирлашмаси томонидан ташкил этилган тадбирда вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси масъул ходимлари, хизмат вази-фасини ўташ чоғида ҳалол бўлган ҳарбийларнинг оила аъзолари, ёшлар иштирок этди.

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш, хотин-қизлар, ёшлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, жисмоний имконияти чекланган инсонларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг фарзандларини ёзги ором-

Тадбир доирасида ўтказилган "Касаба уюшмалари — ёшларга" акциясида Тошкент Давлат аграр университетиди таҳсил олаётган 21 нафар истеъдодли, эҳтиёжманд талабага касаба уюшмалари стипендияси сертификати топширилди.

Таниқли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар тадбирга байрамона кайфият бағишлад.

А. МУСАЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.



– Онам билан бирга 5 йилдан буён ижарада яшаймиз, – дейди Мафтуна Худойбердиева. – Уй сотиб олишга қўлимиз калталиқ қилади. Тўғри, бир оз нокулай бўлсада, Халқ қабулхонасига мурожаат қилдик. Бугун ушбу сўровимизга жиддий эътибор қаратиб, уйли бўлишимизга қўмаклашишга қарор қилинганидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Худди ҳозирнинг ўзида уйли бўлгандек хурсандимиз. Кам таъминланган оилаларга давлат томонидан бегараз ёрдам кўрсатиладиган мана

◀ Бошланғич 1-бета.

шундай адолатли тизим жорий этилгани учун Юртбошимиздан миннатдоримиз.

“Ўзбекистон металлургия комбинати” – иқтисодиётимизнинг қон томири, мамлакатдаги энг йирик sanoat корхоналаридан бири. Президентимиз комбинат фаолияти, янги истикболли лойиҳалар билан яқиндан танишди. Сўнг электрда пўлат эритиш цехида иш жараёниларини кўздан кечирди. Металлургия билан учрашиб, уларнинг фаолияти, шарт-шароитлари, турмуши, муаммолари, кайфияти билан қизиқди.

ШАРОИТ БОР ЖОЙДА ФИДОЙИЛИК ҲАМ БЎЛАДИ

Президент комбинатда янги ишга тушган иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ишлаб чиқариш цехига ҳам борди. Базальт толалари асосида тайёрланаётган маҳсулотлар тақдиротиға эътибор қаратди. Янги маҳсулотлар билан танишиб, сендвич-панелларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, гидропоника субстрактини тайёрлашни йўлга қўйишни тақлиф қилди.

– Давлатимиз раҳбарининг “Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш, одамийликнинг энг олий меъонидир”, деган сўзлари кўлагим остида тинимсиз жангларга, – дейди комбинат бош директори Абдулла Хурсанов. – Давлатимиз раҳбарининг корхонамизга таъриф буюриши комбинатимиз ҳаётига жўшқинлик, кўтаринки кайфият бағишлади. Бор куч-гайратимиз корхонани янада ривожланти-

ришга қаратилган. Режаларимиз катта, мақсадларимиз аниқ. Шунга яраша имкониятларимиз ҳам етарли. 2018-2020 йилларда катта ҳажмдаги иқтисодий лойиҳалар амалга оширилганидан сўнг прокат ишлаб чиқариш қуввати 3 баробарга ошиб, 2,5 млн. тоннага етказилади. Бу эса, кўпга иш ўринлари яратилади, деганидир.

Ҳозир бу ерда умумий қиймати қарийб 635 миллион долларлик олти лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Қора металл парчалари ва чиқиндиларни қайта ишлаш лойиҳаси шулардан бири. Мазкур лойиҳа тўлиқ қувват билан ишга тушгач, 138,2 минг тонна қора металл маҳсулотлари, сирланган идишлар ва бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш имкониятини беради. Қарийб 3 минг иш ўрни яратилади.

Амалга оширилаётган ло-

йиҳалардан бирига биноан пўлат эритиш ва қуйиш мажмуасини қуриш ва иссиқ ҳолатда пўлат листлари ишлаб чиқариш ташкил этилади. Мазкур лойиҳани икки босқичда бажариш мўлжалланган.

Яна бир гап. Давлатимиз раҳбарининг топшириғи билан комбинат тасарруфиди тикувчилик цехи ташкил этилади. Ҳозирча бўш турган бинада жойлашадиган тикувчилик цехи жорий йилнинг 15 сентябрида ишга тушиб, унда 600 киши иш билан таъминланади.

– Юртбошимизнинг ташрифи барчамизни қувонтирди, – дейди Бекобод шахрлик Феруза Ёқубова. – Биз каби оддий халқ дардини тинглаб, унга ечим топаётганларидан миннатдоримиз. Бўлаётган ўзгаришлар ақлимизни шошириб қўйди, тўғриси. Айнқсқа, “Тошкент – Бекобод” йўналишида

электр поездининг қатнови йўлга қўйилиши етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган эди. Биласиз, шахар аҳолисининг аксарияти юмш билан пойтахтга машина ёки автобусда қатнайди. Қанчалар яхши бўлмасин, йўлнинг барибир ўзига яраша мураккаблиғи, чарчоғи бор. Электр поезди бу муаммоларга барҳам беради, ҳаётимиз фаровонлигини янада оширади.

Дарвоқе, Юртбошимиз тақлифи билан Бекобод ва Олмалик шахарлари ўртасида ривожланиш мусобақаси эълон қилинди. 2017 йилнинг 1 сентябридан 2018 йилнинг 1 сентябригача иккала шахарнинг ривожланиш тенденциялари кузатиб борилади. Бу икки металлургия комбинати ўртасида эмас, шахарлар ўртасидаги соғлом рақобат бўлади. Бозордаги нарх-наводан тортиб, аҳоли турмуши учун яратилаётган барча

шароитлар инobatга олинади. Янги корхона ишга тушадими, янги иш ўрни яратиладими, барчаси эътиборда бўлади.

Президентимизнинг бундай самимий, ноанъанавий тадбирларидан ҳайратда қолсан, киши.

Мақоламизни давлат раҳбарининг қуйидаги сўзлари билан аяқламоқчимиз: “Оддий одамлар бугунги кунда бўлаётган ўзгаришларни сезиши керак. Улар эртага эмас, бугун яхши яшашни истади. Уларга бугун яхши шароит яратиб беришимиз керак. Барча амалга ошираётган ишларимиздан қўзланган мақсад-муддао ҳам шу. Бугун эришаётган ютуқларимиз халқимизнинг меҳнатсаварлиги самарасидир. Биргаликда фидойилик билан ишласак, бундан катта ютуқларга эришамиз”.

Хуршида ТУРСУНБЕВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.

Унда вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва қотибятлари раҳбарлари, ташкилот ва бошқармалар бошлиқлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари

Депутатлар кун тартибига мувофиқ, вилоят ҳудудида тўй-ҳашамлар, тантаналар, маърака ва бошқа оилавий маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисидаги масалани кўзгин муҳокама қилдилар. Қайд этилганидек, тўйлардаги ким-ўзарга берилиш каби маънавий-тимизга зид одатлар бугуннинг долзарб ижтимоий муаммоларидан бирига айланиб улгурди. Тўйлардаги дабдабозликка кўпинча аёллар бош-қош бўлиб қолишаётгани таассуфлидир. Бир кунлик ҳою ҳавас деб оёғи ердан узилаётган, миллий қадриятларимизга бепасанд қараётганлар ёшларнинг эртанги кунини издан чиқариб юбораётганлари, ҳатто, катта фожиялар сари йўл очиб бераётганларини ўйлаб қўришаётгани йўқ. Ортиқча хашамларга берилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида маҳаллалардаги обрўли хонадон вакиллари, нурунийлар билан бирга аёллар, ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини мунтазам олиб бориш, ортиқча дабдаба обрў келтирмаслигини ётиғи билан тушунтириш, дабдабаю асасалар учун сарфланадиган пуллар-

ни ёшларнинг уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш, билим олиши ва шу каби эзгу сазй-ҳаракатлар учун сарфлаш энг маъқул йўл эканини кенг тарғиб этиш бобида жамоатчилик зиммасида катта масъулиятли вазифалар турибди.

Муҳокамадорда сўзга чиққан вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Файзиёева, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Л. Мусашайхов, депутат З. Эралиева, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви раиси Х. Ҳамидов, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси Д. Каримов ва бошқалар тўй ва шу каби маросимларни тартибга солиш юзасидан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини баён этдилар. Уларни ўтказишни мувофиқлаштириш бўйича жамоатчилик кенгаши тузиш, айниқса, кам таъминланган оила фарзандларининг тўйларини имтиёзли асосда, намунали тарзда ўтказиш бўйича махсус фонд ташкил этиш бўйича тақлифлар маъқулланди. Вилоят оммавий ахборот воситаларига намунали тўйлар ва уларнинг моҳияти, дабдабали маросимларда-

мутасаддилари, шунингдек, жамоат муассасалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Сессияни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, вилоят ҳокими Шукрулло Бобоев бошқарди.

ги салбий иллатларнинг хуноқ оқибатларини кўрсатувчи, одамларни диёнатга қорловчи ҳаётий материалларни кўпроқ бериб бориш тавсия этилди.

Сессияда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги Ижтимоий шерикчилик бўйича жамоат комиссиясининг янги таркибини тасдиқлаш, вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Шунингдек, айрим депутатларнинг ваколатларини муддатидан аввал тугатиш, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги бўшаб қолган 1-“Ангрен”, 2-“Металлургия”, 11-“Саноатчилар”, 18-“Бўстон”, 27-“Келес”, 45-“Қумовул” ва 51-“Эски Тошкент” сайлов округларига депутатлар сайловини ўтказиш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Унга кўра, мазкур сайловларни жорий йилнинг 24 сентябрь, яхшанба кўни ўтказиш тақлифи маъқулланди.

Депутатлар, шу билан бирга, вилоят ҳокимининг бир қатор қарорларини ҳам тасдиқладилар.

Халқ депутатлари
Тошкент вилояти
Кенгашининг
ҚАРОРИ

Халқ депутатлари
Тошкент вилояти
Кенгашидаги
бўшаб қолган
сайлов округларига
депутатлар
сайловини ўтказиш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шахар Кенгашига сайлов тўғрисида”ги Қонунининг 44-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шахар Кенгашига сайлов тўғрисида”ги Қонунининг 44-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган 1-“Ангрен”, 2-“Металлургия”, 11-“Саноатчилар”, 18-“Бўстон”, 27-“Келес”, 45-“Қумовул” ва 51-“Эски Тошкент” сайлов округларига депутатлар сайловини ўтказиш кўни 2017 йил 24 сентябрь (яхшанба) кўни этиб белгилансин.

Вилоят Кенгаши
раиси

Ш. БАБАЕВ

2017 йил 23 август

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг
ҚАРОРИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти
Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий
шерикчилик бўйича жамоат
комиссиясининг янги таркибини
тасдиқлаш тўғрисида

Жойларда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган дастурлар ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш мақсадида ҳамда “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2015 йил 9 июндаги III/VI сонли қарорининг 1-илоvasи бекор қилинсин.

Вилоят Кенгаши
раиси

Ш. БАБАЕВ

2017 йил 23 август

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг “Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шерикчилик бўйича жамоат комиссиясининг янги таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорига илова

Халқ депутатлари Тошкент вилояти
Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий
шерикчилик бўйича жамоат
комиссиясининг янги таркиби

Фамилияси, исми ва отасининг исми	Иш жойи ва лавозими
Комиссия раиси	
Варисова Максуда Азизовна	Тошкент вилояти Зангиота тумани “Назарбек” қишлоқ врачлик пункти мудир
Комиссия раисининг ўринбосари	
Қаршиев Алмардан Эламонович	Тошкент вилояти ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари
Комиссия масъул котиби	
Мансурова Санобархон Атхамовна	Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлини маси раҳбари
Комиссия аъзолари	
Файзиёева Сайёра Мавляновна	Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси
Ҳамидова Камола Тахировна	“PRAVO PRESS” масъулияти чекланган жамияти ҳуқуқий бўлим мудир
Эралиева Зарифа Ашуровна	Тошкент вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи
Иззатов Дилмурод Турсунбаевич	Ўзбекистон “Қизил Ярим ой” жамияти Тошкент вилояти Кенгаши раиси
Кариёва Мунира Джуроевна	Тошкент шахар “Jurabek Laboratories” қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти раҳбари
Аблаева Екатерина Сергеевна	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Капитал қурилиш дирекцияси режалаштириш бўлими етакчи муҳандиси
Ҳамидов Ҳакимжон	Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқарув раиси
Каримов Данияр Дилмуратович	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти Кенгаши раиси
Шералиев Файрат Раҳматиллаевич	“Тошкент ҳақиқати” ва “Ташкентская правда” газеталари бош муҳаррири
Собиров Шавкат Матрасулович	Тошкент вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси
Асатов Сайфулла	Тошкент вилояти “Нуруний” жамғармаси бошқарув Кенгаши раиси
Батыров Азизбек Ильхомжонович	Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроа қўмитаси девони Экоҳаракат ҳудудий бўлинмалари ва фаоллари билан ишлаш гуруҳи координатори
Мусашайхов Лазиз Туляганович	Тошкент вилояти адлия бошқармаси бошлиғи
Убайдуллаев Даврон Йўлдашбоевич	Тошкент вилояти ҳокимлиги молия бошқармаси бошлиғи

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг
ҚАРОРИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шахар Кенгашига сайлов тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг янги таркиби иловага муво-

фиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан қуча қарида.

Вилоят Кенгаши раиси

Ш. БАБАЕВ

2017 йил 23 август

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг “Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги Қарорига илова

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов
ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг таркиби

Вилоят сайлов комиссиясининг раиси	Телефон рақами
Мухамедов Фодур Исраилович	Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ректори (90) 374-00-49
Вилоят сайлов комиссияси раисининг ўринбосари	
Маркаев Зокир Эшқулович	Тошкент Давлат аграр университетининг кафедра мудир (93) 603-77-87 (97) 715-77-37
Вилоят сайлов комиссияси котиби	
Шаймарданов Нурсоат Расулович	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси доимий асосда ишловчи комиссия котиби (94) 625-48-30
Вилоят сайлов комиссияси аъзолари	
Бобоқулов Сирождин Сунонович	Вилоят бандлик бош бошқармаси бошлиғи в.б. (90) 954-05-02
Парпиев Убайдулла Алпакович	Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари (98) 117-73-84
Қадирханова Малика Акбаровна	“Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллари ассоциацияси Тошкент вилояти бўлими раиси (90) 977-86-76
Худойбердиев Фуқрат Абдусаломович	Вилоят молия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари (90) 352-34-74

Холмуродов Абдураҳим Абдураҳимович	Вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи (98) 310-61-63
Джўраева Зулхумор Забиҳуллоевна	Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви бош мутахассиси (98) 124-99-79
Собиров Шавкат Матрасулович	Вилоят Қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси (93) 517-05-55
Асраров Абдумутал Эргашевич	Вилоят ҳокимлиги юридик хизмат бўлими бошлиғи (90) 806-68-68
Қамиллов Улуғбек Аскаревич	Вилоят ҳокимлигининг йўловчи ташишни барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи (94) 660-49-97
Пўлатов Рустам Нишонбоевич	“Марказий банк”нинг Тошкент вилояти бош бошқармаси бошлиғи (97) 702-09-03
Файзиёев Дониёр Эшмўминович	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўлими бошлиғи (99) 838-18-75
Худойбергенов Алишер Ўтқурович	“Ўзбектелеком” АК Тошкент филиали техник директори (95) 177-71-01

ҲАЁТНИНГ ЁРҚИН ТАРАФИДАГИ АЁЛЛАР

Дафъатан, Куйи Чирчиқ туманидан келган гимнастрадчилар гуруҳи диққатимизни тортди. Гуруҳ раҳбари 60 ёшли Зухра Бозорова гимнастрадчиларни таништи-
ра кетди.

— Людмила Ли яқинда 80

Бошлангичи 1-бедта.



Эҳтиёт шарт!

Эндигина беш ёшга тўлган қизалоқ тезроқ катта бўлишни истарди. У анча ўйлади, охири бир қарорга келди. Дадасининг кийим-ларидан бирини олиб, дазмолламоқчи бўлди. У ота-онасини шу иши билан хурсанд қилмоқчи эди. Дазмолни электр тармоғига улаб, дадасининг қўйлагига ёқасига босди.

ҚИЗАЛОҚ ОМОН ҚОЛДИ

"Мен дазмолни қўйиб қўйсам, ўзи дазмоллаверди-да", деб ўйлади. Шу онда ҳаёлини телевизордаги қизик бир мультфильм тортди. Мультфильмдан сўнг, чароқ босди, ухлаб қолди... Орадан бир соат ўтиб-ўтмай, уй алаंगा ичидан қолди. Буни кўрган кўн-нилардан бири тезда ёнгин хавфсизлиги хизматиغا хабар берди. Хабарни олиши биланоқ етиб келган мутахассислар ишга киришди-лар.

Бу орада ҳеч нарсадан хабари йўқ қизанинг ойи-си келиб қолади. Қуруқ чой олиб келиш учун дўконга чиққан аёл синфдош дуго-насини кўриб, сўбатлашиб қолган эди... Уйи алаंगा ичидан қолганини кўрган аёл-нинг ранги доқдай оқариб кетди. Бирдан қизалогини уйда ёлғиз қолдиргани эси-га тушиб, ўзини алаंगाга отди. Бироқ ёнгин хавфсиз-лиги хизмати ходимлари аёлни тўхтатиб қолишди. "Қизим уйда қолганми", дея фарёд чекаётган онанинг охири еру қўқ ларзага кел-ди. Шунда хизмат ходимла-ридан бири уйга кириб бўлмаслигини билса-да, жонини татариб қўйиб, қўққа ўрлаётган алаंगा ичига ўзини урди. Беш-олти да-қиқадан сўнг, беҳуш ва оғир ахволдаги қизани қўлида кўтариб, ёнгиндан олиб чиқ-ди. Шифохонада ўзига кел-ган қизалоқ тепасида пар-вона бўлиб турган онасига гуноҳқорона жилмайиб қаради.

"Агар озгина фурсат бой берилганда, қизча ора-мизда бўлмасди, — деди шифокор. — Шўқри, ёнгин хавфсизлиги хизмати хо-димининг саъй-ҳаракатлари билан қизалоқ омон қолди".

Юқоридаги каби аялани вазиятлар фаолиятимизда тез-тез учраб туради. Бун-га қўп ҳолатда ота-оналар-нинг лоқайдликлари, фар-зандларини уйда қаровсиз қолдиришлари сабаб бўл-моқда. Шундай экан, азиз ота-оналар, келажагимиз устунлари ҳисобланган ўғил-қизларимизни эъти-бордан четда, назоратсиз қолдирмайлик.

Б. БУЛАШЕВ,
"Yangi-Angren IES" АЖ
EXB инспектори.

ёшга тўлади. Энг ғайратли гим-настикачиларимиздан, айниқса, "шпагат"ни қойиллатади. 73 ёшли Ирина Ким "пирамида" машқининг устаси, баландлик-дан асло қўрқмайди. Чамбарак айлантиришда эса 50 ёшли Ни-луфар Хайдаровага тенглаша-дигани йўқ.

— Оиламиз билан спортга дўст тутинганмиз, — дейди оҳан-гаронлик 36 ёшли уй бекаси Мавлуда Калибоева. — Айниқса, югуриш жону дилим. Ҳар кун эрталаб бу машқни қанда қил-майман. Биласизми, спортга қизиқиш оиладаги муҳитга ҳам ижобий таъсир этади. Кайфият кўтаринки, руҳингиз тетик бўла-ди. Қизим гимнастикага қизи-қади. Маҳалла, мактабда бўла-диган турли спорт мусобақала-рида қатнашапти. Ўлим эса боғча тарбияланувчиси. Лекин сузишни яхши кўради... Ҳозир-ча уйда, болалар тарбияси бил-ан машғулман. Педагогика касб-хунар коллежини тугатган-ман. Аввало, Юртбошимизга раҳмат, Чирчиқда педагогика институти очилди. Энди ўқишни давом эттириш имко-нияти туғилди...

Фестиваль якунида энг фаол иштирокчиларга ташкилотчи-ларнинг диплом, фахрий ёрлик

ва эсдалик совғалари топши-рилди. Енгил атлетика бўйича Қибрай, Чиноз, Зангиота, Пар-кент, Пискент туманлари, стол теннисда Чиноз, сузш бўйи-ча Зангиота, Бўка, Қибрай, шахмат мусобақасида Пискент, Бекобод шаҳарлари, дартсда эса Қуйи Чирчиқ, Юқори Чир-чиқ, Чиноз туманларининг спортсевар аёллари алоҳида эътирофга сазовор бўлишди. Умумжамоа ҳисобида эса Зангиота, Чиноз туманлари ва Бекобод шаҳри аёллари ғолиб бўлишди.

Анжуманда сўзга чиққан ви-лоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиёва вилоятимиз аёллари-нинг спортга бўлган қизиқиши йилдан-йилга ортиб бораётган-ни, фестивалнинг ҳудудий бо-қичларида 3 минг 500 га яқин хотин-қизлар иштирок этганини алоҳида қайд этди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган суратлар.

Эътироф

Тошкентдаги мух-ташам "Media Hall NAESMI" қошонасида Ўзбекистон Респу-бликаси давлат муста-қиллигининг 26 йил-лигига бағишлаб ўт-казилган "Энг улуғ, энг азиз" респу-бли-ка танлови ғолиб-ларини тақдирлаш ма-росими бўлди.

Ўзбекистон Респу-бликаси Президентининг 2017 йил 27 июндаги "Ўзбеки-стон Республикаси давлат мустақиллигининг йигир-ма олти йиллик байрами-

ҲАМКАСБИМИЗ — РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ҒОЛИБИ

га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида" ги Қарори асосида ўтқа-зилган танловда ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари, босма ахборот воситалари ходимлари-нинг журналистик ишла-ри, телевидение ва радио ижодкорларининг кўрсатув ва эшиттиришлари, тасвирий санъат, фото асарлари танлов ҳайъати томонидан кўриб чиқи-либ, ғолиблар аниқланди.

Ҳамкасбимизни қизғин қўллаб, ижодий зафарлар тайлаймиз.
Раъшан МИРЗАҚУЛОВ.

«ҲОКИМ КУБОГИ» УЧУН

Вилоят ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали томонидан та-шқил этилган "Ҳоким кубоги" мусобақалари якун-ланди.

Спорт

Мусобақанинг футбол бўйича финал учрашуви Чирчиқ олимпия захира-лари коллежи майдонида ўтказилди. Унда вилоят спорт ўйинлари ва енгил атлетикага ихтисослаш-ган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаси Чирчиқ БЎСМ вакиллари-ни 2:1 ҳисобида мағлуб этиб, биринчи ўринни эгаллади.

Олимпия спорт турла-ри — волейбол, баскет-бол, гандбол, бокс, бади-ий гимнастика, сузш, оғир атлетика, эркин ва юн-он-рум, таэквондо ВТФ, каратэ ВКФ, дзюдо бўйи-ча ўтказилган мусобақа-лар мамлакатимиз олим-пия захираси истеъдодли спортчилар билан муста-қамлиниб бораётганини намоён этди.

Ушбу спорт турлари бўйича қизгин ва муро-сасиз беллашуларда я-қакурашларга ва сув спорт турларига ихтисос-

лашган болалар ва ўс-мирлар спорт мактаб-лари, Олмалик, Янгийўл, Бекобод, Зангиота, Юқо-ри Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Ангрендаги БЎСМлар тар-бияланувчилари ғолиб чикди.

"Ақл гимнастикаси" — шахмат мусобақасида қибрайлик ёшларга тенг келадигани топилмади.



Миллий ва ноолимпия спорт турлари билан шу-гулланаётган ёшлар ўрта-сидаги мусобақада зан-ғоталик спортчилар ку-раш, турон ва таэквондо ИТФ бўйича етакчилик

қилди. Белбоғли кураш-да парктенг полвонлар шохсупанинг энг оқори поғонасига кўтарилди.

Янги спорт тури — ўзбек жанг санъати бел-лашуларда Ўрта Чир-чиқ спортчилари барча рақибларини орда қол-дирган бўлса, армист-лингчилар биринчилиги Қуйи Чирчиқ ёшлари ғалабаси билан якунлан-ди.

Чирчиқ олимпия захи-ралари коллежида бўлиб ўтган тақдирлаш мароси-мида ғолиб ва соврин-дорларнинг барчаси ме-даль, диплом ва эсдалик

совғалари билан муко-фотланди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

Пайшанба — жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика кун

«ПОДПОЛКОВНИК» СОХТА ЭКАН

Зангиота туманида яшовчи пенсионер онахон ички ишлар подполковниги ки-йимиди шахсга дуч келганида, унга ишониб, умумий миқдори тақрибан 15 мил-лион сўм бўлган тилла буюмларини топширади. Лекин сохта "подполковник" шу кунга қадар омонатни эгасига қайтармай, қочиб юрган эди. Ички ишлар хо-дими-ларининг саъй-ҳаракатлари билан фарибгарликка қўл урган шахс ушланди...

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси то-монидан маҳалла фуқа-ролар йигинлари, таъ-лим муассасалари, кор-хона ва ташкилотларда жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлиги таъминлаш бўйича про-филактика тадбирлари изчил ўтказиб келинмоқ-да.

Хусусан, жорий йил-нинг 17-24 август кунла-ри вилоят миқёсида ба-данга оғир шикаст етқа-зиш, номусга тажовуз қилиш, безорилик, ўғри-лик, фарибгарлик син-гари 107 жиноятнинг 92

таси тезкор-тергов ҳара-катлари натижасида фош этилди. Қидирувда юр-ган 27 нафар шахс қўлга олинди.

Ангренлик фуқаро Ол-малик шахрига келгани-да кўнглида ғараз ният уйғонди. Уйлардан бири-да ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ўғриликка тушди ва у ердан 20 мил-лион 350 минг сўм ҳамда умумий нархи тахминан 1 миллион 800 минг сўм бўлган тилла буюмларни ўмарди. Олиб борилган ўмардор чора-тадбирлар натижасида бу жиноят фош этилди ва ўғрига нисбатан иш қўзғатилди.

Халқимизнинг "Насия-ни ўғри чикарган", деган гапи нақадар рост экани ҳаётда яна бир қарра ўз тасдиғини топди. Қуйи Чирчиқ туманида одам-лар ишончига қирган фарибгар шахс: "Тез орада молларни сотиб, пулини бераман", дея умумий нархи тахминан 9 миллион 500 минг сўм бўлган 5 бош қорамолни ҳайдаб кетади. Вақт ўтса ҳамки, нақди келмагач, содда одамлар алданган-ини англайди. Олғир "насияни" эса қўлга ту-шиб, тегишли жойда жа-воб бермоқда.

Албатта, қонун устувор

жамиятда жиноят жазосиз қолмайди. Лекин, ўз нав-батиди, ҳар биримиз ҳар қандай ҳолатда ҳам оғоҳ, сергак бўлишимиз дар-кор. Бу давр талаби. Зеро, профилактика ин-спекторлари ҳам юқорида-ги каби ҳолатларнинг ол-дини олиш мақсадида жиноят содир этиб, суд ва тергов органларидан яшириниб юрган қидирув-даги шахсларни ушлаш бўйича жамоатчилик би-лан ҳамкорлик қилмоқда, халқ кўмағига таянмоқда.

Бир сўз билан айтган-да, бугунги тинч-тотув ҳаётимизни асраш, фар-ровон турмушимизнинг қадрига етиш, қонун у-стуворлигини таъминлаш йўлида хизмат қилиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Ўз мухбиримиз.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли Фармо-ийши билан тасдиқланган "Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тўғрисида"ги Низомга асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган ДИРЕКТОР ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили
1.	Чирчиқ олимпия захиралари коллежи	Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй
2.	Ангрен туризм ва меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежи	Ангрен шаҳри, 5/4 даҳа
3.	Янгийўл маданият ва санъат коллежи	Янгийўл шаҳри, Маърифат кўчаси, 62-уй

Танловда олий маълумот (маданият ва спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги таълим муассасаларида академик лицей, ЮҚЧнинг таълим йўналишларида камиди бит-таси ёки билим соҳаси бўйича олий маълумотли; таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажини 3 йилдан кам эмас ёки акаде-мик лицей, ЮҚЧнинг соҳа йўналишлари бўйи-ча 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган мутахассислар иштирок этиш-лари мумкин. Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахслар-га иш стажини талаб қилинмайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги "Ишматчиларнинг асосий ла-возимлари ва ишматчиларнинг янги-ланган Классификаторини тасдиқлаш тўғриси-да"ги 164-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2016 йил 25 июлдаги 210-сонли буйруғи билан тасдиқ-ланган "Ўрта махсус, касб-хунар таълими хо-димларининг тармоқ тариф-малака маълумот-номаси"нинг малака талабларига жавоб бе-

риши керак.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирли-ги томонидан 2005 йил 28 март кунини 1461-сонли давлат рўйхатидан ўтган "Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида раҳбар ва ўқитувчининг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида таллаб олиш тўғриси-да"ги Низом асосида қуйидаги таълим муас-сасаларининг вакант (бўш) бўлган ДИРЕК-ТОР ЎРНИБЎСАРЛАРИ ЛАВОЗИМЛА-РИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари:

1. Охангарон агроиктисодиёт касб-хунар коллежи;
2. Янгийўл иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежи;
3. Чиноз қурилиш ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи;
4. Бўка агросаноат ва транспорт касб-хунар коллежи;
5. Зангиота қурилиш ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи;
6. Янгийўл хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи;

Ишлаб чиқариш таълими бўйича ди-ректор ўринбосари:

1. Чиноз қурилиш ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи;
2. Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари:
1. Охангарон агроиктисодиёт касб-хунар коллежи;
2. Ўрта Чирчиқ агросаноат ва транспорт касб-хунар коллежи;
3. Охангарон политехника касб-хунар коллежи;
4. Чирчиқ саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи;
5. Охангарон педагогика ва иқтисодий-иқтисодиёт касб-хунар коллежи;

ДИРЕКТОР ЎРНИБЎСАРЛАРИ ЛАВО-ЗИМЛАРИГА ҚАЙТА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари:

1. Ангрен кўмир саноати касб-хунар коллежи;
2. Бекобод хизмат кўрсатиш ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежи;
3. Чиноз агросаноат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи;
4. Оққўрсон иқтисодий-иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи;

5. Бўка педагогика касб-хунар коллежи; Маънавий-маърифий ишлар бўйи-ча директор ўринбосарлари:

1. Ангрен политехника касб-хунар коллежи;

Директор ўринбосари лавозимига танловда иштирок этувчи номзодлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази-нинг 2016 йил 25 июлдаги 210-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-хунар таълими хо-димларининг тармоқ тариф-малака маълумотномаси"нинг малака талаб-ларига жавоб бериши керак:

а) ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига академик лицей, ЮҚЧнинг таълим йўналишларида камиди бит-таси ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумотли (маданият, спорт ҳамда табиёт соҳаси бундан мустасно) ва таълим тизими-даги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажини 5 йилдан, малакавий даражаси катта ўқитувчидан кам эмас. Илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга иш стажини талаб этилмай-ди.

б) маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лаво-зимига иқтисодий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот ва таълим тизимидаги (педа-гогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажини 5 йилдан кам эмас. Илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган шах-сларга иш стажини талаб этилмайди;

в) ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимига касб-хунар коллежининг билим соҳаси ёки умум-касбий ва махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот, таълим тизимидаги (педа-гогик, ўқув тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув

фаолияти) ёки касб-хунар коллежининг соҳа йўналишига мос ишлаб чиқаришдаги) иш стажини 5 йилдан кам эмас. Илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга иш стажини талаб этилмайди.


Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳуж-жатларни тақдим этади.

1. Туман (шаҳар) ҳокимликларида тавсия хати (директорлар учун);
2. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ари-за;
3. Сўровнома асли (сўровноманинг барча бандлари аниқ, тулиқ ва қисқартирилмасиз ўз қўли билан тўldирилши керак);
4. Таржимаи ҳол (қўлёзма);
5. Маълумотнома (справка-объективка);
6. Меҳнат дафтарчасининг асли ёки нусхаси (қадрлар бўйича инспектор томонидан тас-диқланган ҳолда);
7. Диплом нусхаси (тамомлаган олий таъ-лим муассасаси томонидан дипломнинг ҳаққонийлиги ҳақида гербли муҳр билан тас-диқланган маълумотнома);
8. Тилбон қўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома форма-086 асли;
9. ИИБдан маълумотноманинг асли;
10. Илмий даража ва унвонлар ҳақидаги ҳужжатлар нусхаси (уларнинг ҳаққонийли-гини тасдиқловчи ҳужжат);
11. Паспорт нусхаси;
12. Харбий гувоҳнома нусхаси (45 ёшгача);
13. 6 та фотосурат (3х4);
14. ИИН, пенсия жамғариб бориладиган дафтарча нусхаси;
15. Концепция (номзоднинг таълим муас-сасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича иқтисодий шаклда ёзилган режиси).

Ҳужжатлар эълон қилган кундан бошлаб, 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани,

Қорамурт кўчаси, 1-уй. Маълумот учун телефон: 150-40-37.



Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи

Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзиллиги:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Электрон почта:
thaqiqat@uam.uz

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-58-85 (факс)
233-70-10
233-79-96
233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
233-81-21, 233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ
Нозаратчи мусаввир
Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУХҶАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма S-9874.

Адади 7 063.

Баҳоси келишилган нархда

Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбиа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсатиши — 205. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 23.30.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ ҲУДУДИЙ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ

26
йил

юртдошларимизни
аждодларимиз
орзу қилган улуғ кун –

Мустақиллик айёми

билан самимий табриклайди!

Ватанимиз эришаётган

улкан ютуқларда фидойи

ходимларимизнинг ҳам ҳиссаси бор.

Халқ фаровонлиги йўлида
астойдил ҳаракат қилаётган жамоамиз
юртимиз осмони ҳамиша мусаффо,
ният-мақсадларимиз улуғ ва
хайрли бўлишини тилайди.



Паркент тумани тиббиёт бирлашмаси ва хўжалик ҳисобидаги тиббий кўрик поликлиникаси

барча юртдошларимизни

Ватанимиз Мустақиллигининг

26 йиллиги билан қутлайди.

Юртимизни тинчлик, қалбларимизни шукроналик
туйғулари асло тарк этмасин!

Халқимиз дастурхонидан тўкин-сочинлик аримасин.
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



«Тошкент вилояти сувоқова»

давлат унитар корхонаси
ватандошларимизни



Истиқлолимизнинг
26 йиллик тўйи
билан қизғин
қутлайди.

Юртимиз тинч,
маҳаллаларимиз обод бўлсин!
Ватанимиз тобора гуллаб-яшнаб,
Ўзбекистонимизнинг шон-шухрати
дунё бўйлаб таралаверсин!
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!






AGROBANK

жамоаси

барча юртдошларимизни энг улуғ ва
энг азиз байрам –

Мустақиллигимизнинг 26 йиллиги шодиёнаси

билан қутлаб, ҳар бир оилага бахт-саодат,
шодлик ва фаровонлик тилаб,
ўз хизматларини таклиф этади.
Банк томонидан жорий этилган
22 хил миллий ва хорижий валютадаги
омонат турлари орқали сиз ўз маблағларингизни
кўпайтиришингиз мумкин.



26

Фидойинг
БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ,
ЎЗБЕКИСТОН!

Хизматлар лицензияланган.